

ИСБОТ ҚИЛИШДА ТЕЗКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кадирова Мохигул Хамитовна

Жиноят-процессуал ҳуқуқи

кафедраси доценти, ю.ф.н.

E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276689>

Annotatsiya

Мақолада исбот қилиш ҳуқуқий таҳлил этилиб, жиноятларни тез ва тўла очиш мақсадида процессни рақамлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантилди.

Kalit so'zlar: исботлаш, рақамли технологиялар, электрон (рақамли) далил, электрон маълумот ташувчи.

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат жараён бўлиб, исботлаш мажбуриятининг ўз вақтида бажарилиши – жиноят процессининг вазифаси бўлган жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига асосан, исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга оширади, яъни ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш **мажбурияти** мазкур давлат органлари зиммасига юклатилган.

Шу жумладан, юқорида келтирилган нормада исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилиши, улар қонунда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ **ҳуқуқларни** амалга ошириши ҳамда **мажбуриятларни** бажариши ҳам мустаҳкамланган.

Аввало, далилларни тўплаш – далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш¹: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни,

¹ Sukhodolov, A.P. and Bychkova, A.M., 2018. Artificial intelligence in countering crime, its forecasting, prevention and evolution. All-Russian Criminological Journal, 12(6), pp. 753–766.

жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, почта телеграф жўнатмаларини хатлаш шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга **ҳақли** бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин. Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина **далил** сифатида фойдаланиш мумкин. Баённомалар юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин². Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустақкамлашнинг бу усуллари қўлланишга кўмаклашиш учун **мутахассисларни** жалб этиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўлланилган, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи

² Головки Л.В. Цифровизация в уголовном процессе: локальная оптимизация или глобальная революция? Вестник экономической безопасности. 2019;(1):15-25.

ва холислар, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

Жумладан, ЖПКга 91¹-моддасининг киритилиши билан жиноят процессига рақамли технологиялар ва рақамли далиллар³ кириб келган бўлиб, эндиликда, тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш кафолатланган. Гувовҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Тергов ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда.

Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради⁴. Муайян тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноят процессининг муайян иштирокчисини чақиртиришни ва тергов ҳаракатини видеоконференцалоқа режимида ўтказишни ташкил этишни сўраб тегишли органга қонун талабларига мувофиқ топшириқ юборади. Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг топшириғини бажарувчи мансабдор шахс чақиртирилган жиноят процесси иштирокчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириши, унинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини таъминлаши ва тергов ҳаракати тугаллангунига қадар унинг ёнида бўлиши керак. Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари **электрон маълумотларни ташувчи**⁵ тегишли воситаларга баённома тузилган ҳолда ёзилади ва қайд этилади. Тергов ҳаракатининг

³ Khamitovna K. M. [Жиноят процессида рақамли \(Digital\) муддатлар](#) // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences (IARSC). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 4-7.

⁴ Susskind R. Online courts and the future of justice // Oxford University Press. 2019. 368 p.

⁵ Khamitovna K. M. Models of digitalization of the criminal process // Eurasian Journal of Academic Research (IARSC). – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 31-34.

баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ва топшириқни бажарувчи мансабдор шахс томонидан тузилади. Видеоконференцалоқа материаллари баённомага қўшиб қўйилади. Тергов ҳаракатининг баённомаси қонунда назарда тутилган умумий қоидаларга риоя қилинган ҳолда тузилади ва унда жиноят процесси иштирокчилари кўрсатувларининг моҳияти акс эттирилади. Видеоконференцалоқа ёзувининг вақти ўтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши керак. Видеоконференцалоқа жараёнидаги танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда улар видеоёзувда ва баённомада акс эттирилиши керак. Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд, топшириқни бажараётган мансабдор шахс ҳамда тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари томонидан имзоланади⁶.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, исботлашда, аниқроғи далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда рақамли технология ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда процессни босқичма-босқич рақамлаштириш – процессуал вақт ва маблағларни тежаб, процессуал тезкорликнинг таъминланиши ва асосийси процесс иштирокчиларига тергов-суд жараёнларида қатнашишда қулайликлар яратади.

⁶Соколов Ю.Н. Допустимость рассмотрения материалов уголовного дела в электронной форме // Информационное право. 2017. -№1. –С. 28-33.